

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТОВАШОВ РУСТАМ ХЎЖАХМАТ ЎҒЛИ**

**НИШАБЛИ ДАЛАЛАРГА ИШЛОВ БЕРАДИГАН ВА ДОН ЭКАДИГАН  
МАШИНА ИШ ОРГАНЛАРИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ  
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Товашов Рустам Хўжахмат ўғли**

Нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машина иш органлари  
параметрларини асослаш..... 3

**Товашов Рустам Хўжахмат угли**

Обоснование параметров рабочих органов машины для обработки и посева  
зерновых культур на склоновых полях..... 19

**Tovashov Rustam Xujahmat ugli**

Justification of the parameters of the working bodies of the machine for  
processing and sowing grain crops on slope fields..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 38

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТОВАШОВ РУСТАМ ХЎЖАХМАТ ЎҒЛИ**

**НИШАБЛИ ДАЛАЛАРГА ИШЛОВ БЕРАДИГАН ВА ДОН ЭКАДИГАН  
МАШИНА ИШ ОРГАНЛАРИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ  
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/T2204 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.qmii.uz](http://www.qmii.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Фармон Муртозевич  
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Худайров Бердирасул Мирзаевич  
техника фанлари доктори, профессор

Абдурахмонов Ўрол Нурматович  
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

«ВМКВ-Agromash» АЖ

Диссертация ҳимояси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020.T.111.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «26» ОКТЯбр соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180100, Қарши ш., Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: [kiei\\_info@edu.uz](mailto:kiei_info@edu.uz)).

Диссертация билан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 180100, Қарши ш., Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: [kiei\\_info@edu.uz](mailto:kiei_info@edu.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «11» ОКТЯбр кuni тарқатилди.  
(2021 йил «9» ОКТЯбр даги № 8 рақамли реестр баённомаси).



И.Т.Эргашев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раис ўринбосари, т.ф.д., профессор

Д.Ш.Чуянов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., доцент

З.Л.Батиров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда эрозияга қарши ишлов бериш ва экиш учун энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида экишдан олдин тупроққа ишлов бериладиган майдон 1,6 млрд. гектарни ташкил этишини»<sup>1</sup> ҳисобга олсак, иш сифати ва унуми юқори, бир ўтишда тупроққа ишлов бериш ва экишни амалга оширадиган машиналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан нишабли далаларда эрозияга қарши ишлов бериш ва экиш технологик жараёнларини бир йўла бажарадиган машиналарни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва улардан дон экишда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда уруғ экишдан олдин тупроқни экишга тайёрлаш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, тупроққа ишлов бериш билан бирга уруғ экадиган машиналар ва уларнинг ишчи қисмларини яратиш, ишлаб чиқиш, технологик жараёнлари ва параметрларини асослаш йўналишларидаги ишларни кўрсатиш мумкин. Бу борада, нишабли далаларга ишлов бериш билан бирга шудгор туби ва дала юзасида сув эрозиясига қарши ўрқачлар ҳосил қилиб, донни уч хил чуқурликда экишни амалга оширадиган машинани ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик жараёни ва параметрларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалиги экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан нишабли далаларда дон экиш жараёнида, тупроққа сифатли ишлов бериш билан бирга шудгор туби ва дала юзасида сув эрозиясига қарши ўрқачлар ҳосил қилиб, уруғларни белгиланган чуқурликка кафолатли экишни амалга оширадиган, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашган машиналарни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup>[www.fao.org/docrep/018/i1688r/i1688r03.pdf](http://www.fao.org/docrep/018/i1688r/i1688r03.pdf)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон «Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғалла экиш усуллари ва машиналарини ишлаб чиқиш, қўллаш, улар ишчи қисмларининг параметрларини асослаш бўйича хорижда Г.М.Бузенков, А.Ю.Несмиян, Н.А.Набатян, В.И.Ильин, С.А.Нукушев, Е.Ж.Каспаков, экиш машиналари иш органлари билан тупроқнинг ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ўрганиш бўйича П.Н.Бурченко, А.Т.Вагин, И.М.Панов, Г.Н.Синеоков, Г.В.Плющев, В.А.Сакун, В.В.Труфанов, бир йўла нишабликларда эрозияга қарши тупроққа ишлов бериш ва дон экишни амалга оширадиган техник воситаларни яратиш, уларнинг технологик жараёнларини асослаш бўйича В.В.Бледных, С.Г.Мударисов, З.С.Рахимов, Н.К.Мазитов, Д.Е.Ванин, Х.С.Гайнанов, В.Г.Козлов, А.Л.Жиляков ва бошқалар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Республикада тупроққа ишлов бериш билан бирга дон экиш технологиялари ва машиналарини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш йўналишида тадқиқот ишлари А.Тўхтақўзиев, Т.С.Худойбердиев, И.Т.Эргашев, О.П.Ауезов, А.Игамбердиев, А.Ибрагимов, М.Мансуров, А.Жахонгиров, А.Мирзаахмедов, А.Ваҳобов, Р.Муродов ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида экин майдонларини экишга тайёрлаш ва экиш жараёнларини амалга оширадиган турли-туман машиналар, ишчи қисмлар ишлаб чиқилган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо, мазкур тадқиқот ишларида нишабликларда бир йўла тупроққа ишлов бериш билан бирга шудгор тубида ва дала юзасида сув эрозиясига қарши ўрқачлар ҳосил қилиб донни белгиланган чуқурликда экишни таъминлайдиган машинани ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини асослаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф2-01 «Энергия-

ресурстежамкор эгатсиз текис шудгорлайдиган комбинациялашган плуглар ва улар асосидаги турли технологик жараёнларни бир ўтишда бажарадиган машиналарни яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» (2017-2020) фундаментал лойиҳаси ҳамда №230/М «Нишабликларга ишлов бериш ва экиш сеялкасининг агротехникавий самарадорлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш» (2021) мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** нишабли далаларга ишлов бериш ва сув эрозиясига қарши ўрқачлар ҳосил қилиш билан бирга уч хил чуқурликда дон экадиган машинани ишлаб чиқиш ва унинг иш органлари параметрларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тупроқни экишга тайёрлаш ва экиш техника воситаларига оид илмий ва техникавий маълумотлар ҳамда шу йўналишда илгари бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлилий тадқиқот этиш;

нишабли далалар тупроғининг унга ишлов бериш технологик жараёнига таъсир этувчи физик-механик ҳамда технологик хоссаларини аниқлаш;

нишабликларга ишлов бериш билан бирга шудгор туби ва дала юзасида сув эрозиясига қарши ўрқачлар ҳосил қилиш ҳамда донни уч хил чуқурликда экиш технологик жараёнларидан ташкил топган технологияни ишлаб чиқиш;

бир ўтишда нишабли далаларга ишлов бериш билан бирга шудгор туби ва дала юзасида сув эрозиясига қарши ўрқачлар ҳосил қилиб донни уч хил чуқурликда экадиган машинанинг конструкциясини ишлаб чиқиш;

машина ишчи қисмларининг мақбул параметрларини назарий ва тажрибавий асослаш;

машинанинг хўжалик синовларини ўтказиш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида нишабли далалар тупроғининг физик-механик хоссалари, тупроққа ишлов бериш билан бирга сув эрозиясига қарши ўрқачлар ҳосил қилиб донни уч хил чуқурликда экадиган машина ва у бажарадиган технологик жараён олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** нишабли далаларга сув эрозиясига қарши ишлов бериш билан бирга дон экадиган машина иш органларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ифодалайдиган аналитик боғланишлар ва математик моделлар, иш органларнинг параметрлари ва иш кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ўзгариш қонуниятларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида математикавий ҳисоблаш қоидалари, назарий механика қонуниятлари, статистик таҳлил усуллари, пичоқли юмшаткич панжа таъсирида тупроқни уваланиш ва ўрқач ҳосил қилгич билан ўрқач ҳосил қилиш даражасини аниқлаш, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бир ўтишда нишабли далаларга дон экишда тупроққа ишлов бериш билан бирга шудгор туби ва дала юзасида сув эрозиясига қарши ўрқачлар ҳосил қилган ҳолда донни уч хил чуқурликда экиш технологияси яратилган;

нишабли далаларга ишлов бериш билан бирга шудгор туби ва дала юзасида сув эрозиясига қарши ўрқачлар ҳосил қилиб, донни уч хил чуқурликда экиш учун икки қатор жойлашган пичоқли юмшаткич панжалар, уларга уч хил баландликда ўрнатилган сошниклар ва ўрқач ҳосил қилгичлардан ташкил топган машинанинг конструкцияси ишлаб чиқилган;

юмшаткич панжа пичоғининг қамраш кенглиги ва ўрнатилиш баландлиги бегона ўтларни тўлиқ кесилиши ва эгат тубидаги ўрқачларни бузилмаслиги шартидан келиб чиққан ҳолда аниқланган;

ярим текис диск кўринишидаги ўрқач ҳосил қилгичнинг радиуси, қамраш кенглиги ва ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги тупроқ бўлақларини белгиланган масофага улоқтириш ва талаб даражасидаги ўрқач ҳосил қилиш асосида асосланган;

машина юмшаткич панжалар орасидаги ва иккинчи қатор юмшаткич панжалар билан ўрқач ҳосил қилгичлар орасидаги кўндаланг ва бўйлама масофалар уларнинг тупроқни деформациялаш зоналари ва уни сифатли юмшатилишини ҳисобга олган ҳолда асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бир ўтишда нишабли далаларга ишлов бериш билан бирга шудгор туби ва дала юзасида сув эрозиясига қарши ўрқачлар ҳосил қилиб донни белгиланган чуқурликларда экадиган машина ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган машина иш органлари параметрларининг мақбул қийматларида нишабли далаларга сув эрозиясига қарши ишлов бериш ва экиш сифати яхшиланиши ва иш унумини ортиши, меҳнат ва энергия сарфини камайишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган тупроққа сув эрозиясига қарши ишлов бериш ва дон экиш машинаси синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машина ишлаб чиқилганлиги, машина иш органларининг ишлов берадиган тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини, иш органлар параметрлари ва уларнинг иш кўрсаткичлари ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезликлари орасидаги боғланишларни ифодалайдиган математик моделлар ва аналитик ифодалар олинганлиги ва улардан бошқа шунга ўхшаш ишчи қисмларнинг параметрларини аниқлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пичоқли юмшаткич панжа ва ўрқач ҳосил қилгичлар билан жиҳозланган машина билан тупроққа эрозияга қарши ишлов бериш ва бир йўла бошоқли дон уруғларини белгиланган чуқурликларга кафолатли экиш ҳисобига экиш сифатини яхшилаш, ресурс сарфи ва фойдаланиш харажатларини камайтиришга эришилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машинанинг иш органлари параметрларини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотлардан олинган илмий натижалар асосида:

нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машинага дастлабки талаблар ва техник топшириқ тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 5 июндаги 02/023-2398-сон маълумотномаси). Натижада нишабли далаларга ишлов бериш билан бирга сув эрозиясига қарши ўрқачлар ҳосил қилиб дон экадиган машина конструкциясини ишлаб чиқиш имконияти яратилган;

нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машина Қашқадарё вилояти Қарши ва Қамаш тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 5 июндаги 02/023-2398-сон маълумотномаси). Натижада нишабли далаларга ишлов бериш ва дон экишда ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи 35 фоизга ва фойдаланиш харажатлари 32,82 фоизга камайишига эришилган;

нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машинани ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техник топшириқ) «ВМКВ-Агромаш» АЖ га жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 5 июндаги 02/023-2398-сон маълумотномаси). Натижада нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машинанинг sanoat нусхаларини ишлаб чиқариш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ва апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нишабли далаларга ишлов бериш ва дон экиш технологиялари ва техник воситалари таҳлили**» деб номланган биринчи

бобида нишабли далаларга ишлов бериш технологиялари, тупроққа ишлов бериш ва экишни амалга оширадиган машиналар ҳамда уларнинг иш органлари бўйича илгари бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили келтирилган.

Кейинги йилларда республикамизда нишабли далалардан самарали фойдаланиш, донли экинлардан юқори ҳосил олиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда нишабли далаларга анъанавий техника воситалари билан ишлов берилмоқда ва экин экилмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, нишабли далаларда сув эрозиясини кучайишига ва экинни ювилишига ва мос ҳолда ҳосилдорликни кескин камайишига олиб келмоқда.

Ўтказилган таҳлилларни кўрсатишича, нишабли далаларга донли экинларни экишда сув эрозиясини олдини олиш, тупроқда намни сақлаш ҳамда ёнилғи сарфи, меҳнат ва бошқа харажатларни камайтириш учун тупроққа ишлов бериш билан бирга дон экиш ва сув эрозиясига қарши ўрқачлар ҳосил қилиш технологияси ҳамда уни амалга оширадиган машинани қўллаб эришиш мумкин.

Диссертациянинг **«Нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машина иш органларининг параметрларини назарий асослари»** деб номланган иккинчи бобида нишабли далаларга ишлов бериш билан бирга дон экиш ва сув эрозиясига қарши ўрқачлар ҳосил қилиш технологияси, нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машинанинг конструктив схемаси ҳамда унинг иш органлари параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.


Ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили ва олиб борилган изланишлар асосида нишабли далаларга ишлов бериш билан бирга дон экиш ва сув эрозиясига қарши ўрқачлар ҳосил қилиш технологияси ва уни амалга оширадиган машинанинг конструктив схемаси ишлаб чиқилди. Таклиф қилинган технология ва машинага Россия федерациясининг шахсий мулк интеллектуал федерал хизматиغا № 2021119480/10(040935) рақамли талабнома берилган.

Таклиф этилаётган технологияда қуйидаги жараёнлар бир йўла бажарилади (1-расм): тупроққа ағдармасдан чуқур ишлов бериш билан бирга юза қатлам тупроғини юмшатиш ва бегона ўтларни ўлдириш, уч хил чуқурликда дон экиш, сув эрозиясига қарши ариқлар ва ўрқачлар ҳосил қилиш, дала юзасига ташланган донларни ариқлар очиш учун олинган тупроқ билан кўмиш.

Ушбу технологияни амалга оширадиган машина рама 1, сиғим 2, экиш аппаратлари 3, юмшаткич панжа тифига нисбатан юқори ва ўрта баландликда жойлашган сошниклар 5 ва 7 билан жиҳозланган олдинги юмшаткич панжалар 4 ва 6, юқори, ўрта ва пастги баландликда жойлашган сошниклар 5, 7 ва 11 билан жиҳозланган иккинчи қатор юмшаткич панжалар 8, 10 ва 9 ҳамда ўрқач ҳосил қилгич 12 дан иборат (2-расм).

Нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машина қуйидагича ишлайди. Аввал биринчи қаторда бир-бирига нисбатан кўндаланг текисликда  $2b_p$  масофада жойлашган юмшатувчи иш органлар 4 ва 6 тупроқни  $a$  чуқурликда юмшатади, уларга ўрнатилган пичоқлар эса бегона ўтларни


ўлдиради ва тупроқни юқори қатламини  $a_p$  чуқурликда талаб даражасида юмшатади.



$a$  – биринчи қатор юмшаткич панжалар билан ишлов берилгандан сўнг дала кўндаланг кесимининг кўриниши;  $b$  – иккинчи қатор юмшаткич панжалар билан ишлов берилгандан сўнг дала кўндаланг кесимининг кўриниши;  $c$  – ўрқач ҳосил қилгичлар билан ариқ ва ўрқачлар шакллантирилгандан сўнг дала кўндаланг кесимининг кўриниши.

**1-расм. Нишабли далаларга ишлов бериш билан бирга дон экиш ва сув эрозиясига қарши ўрқачлар ҳосил қилиш технологиясининг схемаси**

Юмшатиш билан бир вақтда биринчи қатор иш органларга юқори баландликда ўрнатилган сошниклар 5 ёрдамида шаклланадиган ариқнинг чап томонига дала юзасига уруғлар ташланади ва шаклланадиган ариқлар оралиғига ўрта баландликда ўрнатилган сошниклар 7 билан  $a_2=6-8$  см чуқурликда уруғлар экилади. Сўнгра биринчи қатор юмшаткич панжалар билан юмшатишган полосалар оралиғи иккинчи қаторда жойлашган юмшаткич панжалар 8, 9 ва 10 ҳамда уларда ўрнатилган пичоқлар билан юмшатилади. Бунда ўрта баландликда жойлашган сошниклар 5 билан шаклланадиган ариқнинг чап томонига жойлашган иккинчи қаторга ва ўнг томонига жойлашган экилган қатор ораларига  $a_2=6-8$  см чуқурликда, паст баландликда жойлашган сошниклар билан шаклланадиган ариқлар ўрта чизиги бўйича ишлов берилган тупроқ тубига уруғлар экилади.



- 1 – рама; 2 – сиғим; 3 – экиш аппаратлари;  
 4, 6, 8, 9, 10 – юмшаткич панжалар;  
 5, 7, 11 – сошниклар; 12 – ўрқач ҳосил қилгичлар; 13 – пичоқлар

**2-расм. Тупроққа ишлов бериш ва дон экиш машинанинг конструктив схемаси**


бурчаги  $\gamma_n$ ; пичоқни тупроққа кириш бурчаги  $\varepsilon_n$ ; пичоқнинг қамраш кенглиги  $b_n$ ; панжа устунининг баландлиги  $H_0$ .

Ўтказилган назарий тадқиқотларимиз тупроқни кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасида сифатли юмшатилиши ҳамда юмшатирилган қатлам тубида деворлари зичланган эгат ҳосил бўлмаслигини таъминлаш учун панжанинг увалаш бурчаги ( $\alpha_u$ )  $26-28^\circ$  оралиғида ва эни ( $b_u$ ) камида 4,6 см бўлиши лозимлигини кўрсатди. Искана тигининг ўткирланиш  $i_u$  ва очилиш  $2\gamma_u$  бурчакларини илгари бажарилган тадқиқотларга асосан мос равишда  $25$  ва  $70^\circ$  қабул қиламиз.

Юмшаткич панжанинг иш сирти узунлигини аниқлашда унинг ишчи

ўрқач ҳосил қилгич 12 кўндаланг кесими эллипс кўринишидаги палахсани кесиб олади ва чап томонга дала юзасига экилган уруғ устига ташлайди ва ўрқач ҳосил қилади. Бунда сув эрозиясига қарши ариқлар ва ўрқачлар шакллантирилади. Биринчи ва иккинчи қатор юмшаткич панжалар билан ишлов берилганда шудгор тубида  $h_y$  баландликдаги ўрқачлар ҳосил бўлади. Шудгор тубидаги ва дала юзасидаги ўрқачлар нишабликларда экинни сув эрозиясидан сақлайди.

Қуйидагилар юмшатувчи панжанинг асосий параметрлари ҳисобланади (3-расм): исканасимон панжанинг увалаш бурчаги  $\alpha_u$ ; исканасимон панжанинг эни  $b_u$ ; исканасимон панжанинг ишчи сиртининг узунлиги  $l_u$ ; панжа тигларининг ўткирланиш бурчаги  $i_u$ ; панжа тигларининг очилиш бурчаги  $2\gamma_u$ ; пичоқнинг ўрнатилиш баландлиги  $h_n$ ; пичоқни ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш



- 1 – устун; 2 – искана; 3 – пичоқ

**3-расм. Юмшаткич панжанинг асосий параметрлари**

юзаси бўйича тупроқни тўсикларсиз силжиши ва иш жараёнида етарли даражада деформацияланиши шартидан қуйидаги ифода олинди

$$l_u \geq 2 \left( \frac{[\tau_k] \left[ b_u \cos \frac{1}{2} (\alpha_u + \varphi_1 + \varphi_2) + a \operatorname{tg} \left( \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi_2}{2} \right) \right] a \cos \frac{1}{2} (\varphi_1 + \varphi_2 - \alpha_u)}{q_0 (1 + K_v V_n) b_u \cos^2 \frac{1}{2} (\alpha_u - \varphi_1 + \varphi_2) [\cos(\alpha_u + \varphi_1) + \cos \varphi_2] \sin \alpha_u} \right)^{\frac{1}{2}} + \frac{b_u}{2 \operatorname{tg} \gamma_u}, \quad (1)$$

бунда  $[\tau_k]$  – тупроқни парчаланишга критик қаршилиги, Па;  $q_0$  – тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффиценти, Н/м<sup>3</sup>;  $V_n$  – агрегатнинг ҳаракат тезлиги, м/с;  $\varphi_1, \varphi_2$  – тупроқнинг ташқи ва ички ишқаланиш бурчақлари, градус;  $K_v$  – тупроқ ҳажмий эзилиш коэффиценти тезликка боғлиқ равишда ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффицент;  $2\gamma_u$  – панжа тифларининг очилиш бурчаги, градус.

$\varphi_1=30^\circ$ ,  $\varphi_2=40^\circ$ ,  $\gamma_u=30-35^\circ$ ,  $b_u=0,046$  м,  $K_v=0,1$  с/м,  $q_0=1 \cdot 10^7$  Н/м<sup>3</sup> қабул қилиниб, (1) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар 1,67-2,22 м/с иш тезликларида юмшаткич исканаси ишчи сиртининг узунлиги камида 10,5 м бўлиши лозим эканлигини кўрсатди.

Юмшаткич панжа юмшатувчи пичоғининг асосий параметрларига қуйидагилар киради (3-расм): пичоқни ўрнатиш баландлиги  $h_n$ ; пичоқнинг қамраш кенглиги  $b_n$ ; пичоқнинг тупроққа кириш бурчаги  $\varepsilon_n$ ; пичоқ тифини ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчаги  $\gamma_n$ .

Ўтказилган назарий тадқиқотларимиз тупроқни кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасида сифатли юмшатилиши ҳамда бегона ўтларни тўлиқ кесилишини таъминлаш учун пичоқнинг ўрнатилиш баландлиги ( $h_n$ ) 13 см дан катта бўлиши, тупроққа кириш (увалаш) бурчаги ( $\varepsilon_n$ )  $30^\circ$ , қамраш кенглиги ( $b_n$ ) 10 см ва пичоқ тифини ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги ( $\gamma_n$ )  $30^\circ$  бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Қуйидагилар ўрқач ҳосил қилгичнинг асосий параметрлари ҳисобланади (4-расм): текис ярим дискнинг радиуси  $R_\delta$ ; ўрқач ҳосил қилгич ярим диски тифининг ўткирланиш бурчаги  $i_\delta$ ; ўрқач ҳосил қилгичнинг қалинлиги  $t_\delta$ ; баландлиги  $H_\delta$ ; дискнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $\gamma_\delta$ .

Ўрқач ҳосил қилгич тифининг ўткирланиш бурчаги  $i_\delta$  ва қалинлиги  $t_\delta$  ни илгари бажарилган тадқиқотларга асосан мос равишда  $25^\circ$  ва 4 мм қабул қиламиз.

Ўрқач ҳосил қилгич иш жараёнида қўшни қаторлар оралиғига ишлов бериши ва экилган уруғларни ўз жойидан силжитмаслиги шартидан унинг қамраш кенглиги қуйидаги ифода бўйича аниқланди

$$b_\delta \leq 2b_p - 2\Delta b, \quad (2)$$

бунда  $\Delta b$  – ўрқач ҳосил қилгич билан ишлов берилмайдиган қатор оралиғининг четки қисми кенглиги, см.

Олиб борилган тажрибаларга асосан  $\Delta b=5-7$  см. (2) ифодага кўра  $\Delta b=5-6$  см бўлганда  $b_\delta=18-20$  см.

Ўрқач ҳосил қилгичнинг текис диск қисми радиусини аниқлаш учун қўйидаги ифода олинди

$$R_{\partial} = \frac{a_{\partial}}{2} + \frac{b_{\partial}^2}{8a_{\partial} \sin^2 \gamma_{\partial}}, \quad (3)$$

бунда  $a_{\partial}$  – ўрқач ҳосил қилгичнинг ишлов бериш чуқурлиги, см;  $b_{\partial}$  – ўрқач ҳосил қилгичнинг қамраш кенглиги, см;  $\gamma_{\partial}$  – ўрқач ҳосил қилгичнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги, градус.

$b_{\partial}=18$  см,  $a_{\partial}=12$  см ва  $\gamma_{\partial}=30^{\circ}$  бўлганда (3) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар ўрқач ҳосил қилгичнинг текис диск қисми радиуси 19,5 см эканлиги аниқланди.

Ҳисобларни соддалаштириш учун ўрқач ҳосил қилгичнинг баландлигини унинг текис диск қисми диаметрига тенг деб қабул қиламиз, яъни  $H_{\partial}=2R_{\partial}=D_{\partial}=39$  см.

Ўрқач ҳосил қилгич билан ҳосил қилинган ўрқач баландлиги  $h_1$  ва ундан тушаётган тупроқ бўлақларининг кўндаланг йўналишда улоқтирилиш масофаси  $L_{\partial}$  ни аниқлаш учун қўйидаги ифодалар олинди


$$h_1 = 2 \sqrt{\frac{\text{ctg} \varphi_0}{2} R_{\partial}^2 \left[ \frac{\pi}{2} \arcsin \left( 1 - \frac{a_{\partial}}{R_{\partial}} \right) - \left( 1 - \frac{a_{\partial}}{R_{\partial}} \right) \right] \frac{(2b_p - 2\Delta b) \sin \gamma_{\partial}}{R_{\partial}}}, \quad (4)$$

$$L_{\partial} = 2 \cdot \text{ctg} \varphi_0 \sqrt{\frac{\text{ctg} \varphi_0}{2} R_{\partial}^2 \left[ \frac{\pi}{2} \arcsin \left( 1 - \frac{a_{\partial}}{R_{\partial}} \right) - \left( 1 - \frac{a_{\partial}}{R_{\partial}} \right) \right] \frac{(2b_p - 2\Delta b) \sin \gamma_{\partial}}{R_{\partial}}}. \quad (5)$$


5-расмда келтирилган графиклардан кўриниб турибдики, агротехника талаблари бўйича ўрқач ҳосил қилиш учун ўрқач ҳосил қилгичнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $30\text{--}33^{\circ}$  оралиғида бўлиши лозимлигини кўрсатди.

**Биринчи ва иккинчи қатордаги юмшаткич панжалар орасидаги бўйлама масофа** иккинчи қатор юмшаткич панжа исканаси билан ишлов берилган тупроқ деформация ҳудудини олдинги қатордаги юмшаткич панжанинг пичоғига тегмаслиги шартидан қўйидаги ифода бўйича аниқланди

$$L \geq l_T + h_n \text{ctg} \psi_1 + \frac{b_p}{2} - \frac{t_y}{2} + \Delta b, \quad (6)$$



4-расм. Ўрқач ҳосил қилгич параметрларини аниқлашга доир схема



**5-расм. Тупроқ бўлагини қўндаланг улоқтириш масофаси  $L_{\bar{e}}$  ва ўрқач баландлиги  $h_l$  ни ўрқач ҳосил қилгичнинг ўрнатилиш бурчаги  $\gamma_y$  га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари**

бўлмаслиги шартидан ниқланди, акс ҳолда технологик жараён бузилади ва машинанинг тортишга қаршилиги ортади. Ушбу таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда  $L_{юд}$  масофани аниқлаш учун қуйидаги ифода олинди

$$L_{юд} \geq L_{ux} + L_y + L_{oc} + \partial_c, \quad (7)$$

бунда  $L_{ux}$  –искананинг горизонтал проекциясидаги узунлиги, см;  $L_{oc}$ –ўрқач ҳосил қилгич таъсири остида тупроқ деформациясининг бўйлама йўналишда тарқалиш ҳудуди, см;  $L_y$ –юмшаткич панжа устунининг эни, см;  $\partial_c$ –сошникнинг эни, см.


(7) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар юмшаткич панжа билан ўрқач ҳосил қилгич орасидаги бўйлама масофа камида 90 см бўлиши кераклигини кўрсатди.

Нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машинанинг тортишга қаршилигини аниқлаш учун қуйидаги ифода олинди


$$\begin{aligned}
 P = n_1 \{ & \frac{b_u}{\sin \gamma_u} t_u \sigma_o \sqrt{1+f^2} \cos(\gamma_u + \varphi) \cos \alpha_u + \frac{q b_u t_u^2}{2 \sin^2 i_u \cos \varphi} + [\tau] \frac{a^2 \text{ctg} \psi_2}{\sin \psi_1} [\cos \psi_1 + f \sin(\alpha_u + \psi_1)] x \\
 & x \cos \alpha_u \} + a b_u \rho V^2 \sin \alpha_u \text{tg}(\alpha_u + \varphi) (1 + \frac{W}{100}) + \gamma g a [(\frac{b_u^2}{2 \text{tg} \gamma_u} + l_u \text{actg} \psi_2)] \cos \alpha_u (\sin \alpha_u + f \cos \alpha_u) (1 + \frac{W}{100}) + \\
 & + (a - l_u \sin \alpha_u) t_m \sigma_o + \frac{q(a - l_u \sin \alpha_u) t_y^2}{\sin \gamma_y \cos \varphi} + q(a - l_u \sin \alpha_u) (2b_y - t_y \text{ctg} \gamma_y) f + (K_n + E_n V^2) b_n a_n \} + \\
 & + n_2 \{ \frac{b_u}{\sin \gamma_u} t_u \sigma_o \sqrt{1+f^2} \cos(\gamma_u + \varphi) \cos \alpha_u + \frac{q b_u t_u^2}{2 \sin^2 i_u \cos \varphi} + [\tau] \frac{a^2 \text{ctg} \psi_2}{\sin \psi_1} [\cos \psi_1 + f \sin(\alpha_u + \psi_1) \cos \alpha_u] \\
 & + a b_u \rho V^2 \sin \alpha_u \text{tg}(\alpha_u + \varphi) (1 + \frac{W}{100}) + \gamma g a [(\frac{b_u^2}{2 \text{tg} \gamma_u} + l_u \text{actg} \psi_2 - \frac{1}{2} (a - \frac{b_p}{2} \text{tg} \psi_2)^2 \text{ctg} \psi_2)] \cos \alpha_u (\sin \alpha_u + \\
 & + f \cos \alpha_u) (1 + \frac{W}{100}) + (a - l_u \sin \alpha_u) t_m \sigma_o + \frac{q(a - l_u \sin \alpha_u) t_y^2}{\sin \gamma_y \cos \varphi} q(a - l_u \sin \alpha_u) (2b_y - t_y \text{ctg} \gamma_y) f + \\
 & + (K_n + E_n V^2) b_n a_n \} + n_3 \{ \frac{1}{2} K_o R_o^2 \left[ \frac{\pi}{2} \arcsin \left( 1 - \frac{a_o}{R_o} \right) - \left( 1 - \frac{a_o}{R_o} \right) \right] \frac{(2b_p - 2\Delta b) \sin \gamma_y}{R_o} \} + 2\mu_k Q_z. \quad (8)
 \end{aligned}$$

$t_{ю}=0,001$  м,  $b_{и}=0,046$  м,  $l_{и}=0,105$  м,  $a=0,25$  м,  $\alpha_{и}=30^\circ$ ,  $\varphi=25^\circ$ ,  $\varphi_2=40^\circ$ ,  $\psi_2=60^\circ$ ,  $\psi_1=45^\circ$ ,  $\sigma_0=2 \cdot 10^6$  Па,  $\rho=1380$  кг/м<sup>3</sup>,  $[\tau_k]=1,2 \cdot 10^4$  Па,  $W=16$  %,  $f=0,5$ ,  $q=1 \cdot 10^4$  кН/м<sup>3</sup>,  $K_n=15 \cdot 10^3$  Па,  $b_p=0,15$  м,  $b_y=0,1$  м,  $t_y=0,02$  м,  $\gamma_{и}=30^\circ$ ,  $R_0=0,195$  м,  $a_0=0,12$  м,  $\Delta b=0,06$  м ва  $K_0=35$  кН/м<sup>2</sup>,  $\mu_k=0,2$ ,  $Q_Z=3,2$  кН қабул қилиниб, (8) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар 6-8 км/соат ҳаракат тезлигида машинанинг тортишга қаршилиги 25,95-26,87 кН оралиғида бўлишини кўрсатди.

Диссертациянинг «Нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машина иш органлари параметрларини асослаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари» деб номланган учинчи бобида ишлаб чиқилган машина юмшаткич панжа ва ўркач ҳосилгичлари параметрларининг мақбул қийматларини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотлари натижалари келтирилган.



а)



б)

**6-расм. Юмшаткич панжа тортишга қаршилигини пичоқларининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги (а) ва қамраш кенглиги (б) га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари**

Юмшаткич панжа параметрларининг мақбул қийматларини аниқлашда бир ва кўп омилли экспериментлар ўтказилди. Тажрибавий тадқиқотларни ўтказиш учун унинг юмшаткич пичоғини тупроққа кириш (увалаш) ва ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчаклари, қамраш кенглиги, ўрнатиш баландлигини ўзгартириш имконига эга бўлган иш органлар, биринчи ва иккинчи қатор юмшаткич панжалар ҳамда иккинчи қатор юмшаткич панжа билан ўркач ҳосил қилгич орасидаги бўйлама масофаларни асослаш учун лаборатория-дала қурилмаси ишлаб чиқилди ва тайёрланди.


Ўркач ҳосил қилгич бўйича тажрибавий тадқиқотларни ўтказиш учун унинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини ўзгартириш имконига эга бўлган ҳар хил радиусли иш органлар тажриба нусхалари ишлаб чиқилди ва тайёрланди.

Тажрибаларни ўтказишда баҳолаш мезони сифатида тупроқнинг уваланиш даражаси ва иш органнинг тортишга қаршилиги қабул қилинди ҳамда тажрибалар агрегатнинг 6 ва 8 км/соат ҳаракат тезликларида ўтказилди.

Юмшаткич панжа параметрларини экспериментал тадқиқотлари натижалари қуйидаги 6-расмда келтирилган. Улар ҳамда ўтказилган кўп омилли экспериментларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, юмшаткич панжа пичоғининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $30-32^\circ$ , тупроққа кириш бурчаги  $22-28^\circ$ , қамраш кенглиги 90-102 мм, искана учига нисбатан ўрнатилиш баландлиги 106-170 мм оралиғида бўлиши лозим.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, ўркач ҳосил қилгич

6-8 км/соат иш тезликларида кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги ўрқач ҳосил қилиш ва тупроқни кўндаланг улоқтирилиши учун унинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $30-33^\circ$  оралиғида, текис диск қисмининг радиуси эса 190-200 мм оралиғида бўлиши лозим.



1 –  $V = 6$  км/соат; 2 –  $V = 8$  км/соат

7-расм. Ўрқач ҳосил қилгич тортишга қаршилиги, ўрқач баландлиги ва тупроқни кўндаланг улоқтирилиш масофасини ўрқач ҳосил қилгичнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагига боғлиқ равишда ўзгариши

Биринчи ва иккинчи қатор юмшаткичлар орасидаги ва ўрқач ҳосил қилгич билан юмшаткич панжа орасидаги бўйлама масофаларни машинанинг иш кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибалари натижалари бўйича бу масофалар мос ҳолда камида 45 см ва 90 см бўлиши лозим.

Тажрибалардан олинган натижалар назарий тадқиқотларнинг натижаларига тўлиқ мос келади.

Диссертациянинг «Нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машинанинг хўжалик синов натижалари ва унинг иқтисодий кўрсаткичлари» деб номланган тўртинчи бобида нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машина тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, дала синов натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машинанинг тажриба нусхаси белгиланган технологик жараённи ишончли бажарди ва иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос келди.

Нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машинанинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўтказилган ҳисоблар ушбу машинани нишабли далаларга ишлов бериш ва дон экишда қўлланилганда бир гектар ерга ишлов бериш учун сарфланадиган тўғридан-тўғри харажатлар 32,82 фоизга камайишини кўрсатди. Бунда битта машина бўйича йиллик иқтисодий самара 27684272 сўмни ташкил этиши аниқланди.

## ХУЛОСА

«Нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машина иш органлари параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD)

диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўтказилган таҳлиллар нишабли далаларга ишлов бериш ва дон экишда қўлланиладиган мавжуд машина, қуроллар ва улар ишчи органларининг конструктив хусусиятлари асосида нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машина конструкциясини ишлаб чиқиш имкониятини беради.

2. Нишабли далаларга дон экиш учун тупроқни тайёрлашнинг янги сув эрозиясига қарши энергия ресурстежамкор усули тупроқни йўл-йўл ағдармасдан чуқур ва юза юмшатиш, уруғларни уч хил чуқурликда экиш, ариқлар ва ўркакларни шакллантириш билан бирга дала юзасига экилган уруғларни кўмиш имкониятларини яратади. Нишабли далаларга дон уруғини янги усулда экишга уни амалга оширадиган машинани қўллаб эришиш мумкин.

3. Нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машина икки қатор ўрнатилган пичоқли юмшаткич панжалар, уларга ҳар хил баландликда беркитилган сошниклар ҳамда ярим диск кўринишидаги ўркак ҳосил қилгичлар билан жиҳозланган бўлиши ва бунда сошниклар донни дала юзасида, юқори қатламда ва шудгор тубида экиши лозим.

4. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари бўйича тупроқни кам энергия сарфлаган ҳолда сифатли уваланишини таъминлаш учун юмшаткич панжа исканасининг тупроққа кириш бурчаги  $28-30^{\circ}$  оралиғида, эни ва ишчи сиртининг узунлиги мос равишда 4,6 ва 10,5 см, пичоқнинг искана тумшуғига нисбатан ўрнатилиш баландлиги 15 см, пичоқ тигининг юмшаткич ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчаги  $30-35^{\circ}$  оралиғида, қамраш кенлиги 10 см бўлиши лозим.

5. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари бўйича ўркак ҳосил қилгичнинг радиуси 19,5 см, баландлиги 39 см, ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $30-33^{\circ}$  оралиғида бўлиши лозимлигини кўрсатди.

6. Биринчи ва иккинчи қатор юмшаткич панжалар ҳамда юмшаткич панжа ва ўркак ҳосил қилгичлар орасидаги бўйлама масофалар мос равишда камида 45 ва 90 см бўлиши лозим.

7. Таклиф қилинган нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машинани қўллаш амалдаги техника воситаларига нисбатан ерга ишлов бериш ва экиш учун сарфланадиган тўғридан-тўғри харажатларни 32,82 % га камайтиради ва агрегатдан фойдаланишдаги йиллик самара 27684272 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РнД.03/30.06.2020.Т.111.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ЭКОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ТОВАШОВ РУСТАМ ХУЖАХМАТ УГЛИ**

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ РАБОЧИХ ОРГАНОВ МАШИНЫ  
ДЛЯ ОБРАБОТКИ И ПОСЕВА ЗЕРНОВЫХ КУЛЬТУР  
НА СКЛОНОВЫХ ПОЛЯХ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация  
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РнД  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.3.PhD/T2204

Диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу: [www.qmii.uz](http://www.qmii.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

Научный руководитель:

Маматов Фармон Муртозевич  
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Худаяров Бердирасул Мирзаевич  
доктор технических наук, профессор

Абдурахмонов Урол Нурматович  
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

АО «ВМКВ-Agromash»

Защита диссертации состоится “26” октября 2021 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2020.T.111.02 при Каршинском инженерно-экономическом институте (Адрес: 180100, г. Карши, ул Мустакиллик, 225. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: [kiei\\_info@edu.uz](mailto:kiei_info@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского инженерно-экономического института (регистрационный номер 11). Адрес: 180100, г. Карши, ул Мустакиллик, 225. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: [kiei\\_info@edu.uz](mailto:kiei_info@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан «11» октября 2021 года.  
(Протокол рассылки № 8 от «9» октября 2021 года).



И.Т.Эргашев  
Зам. председателя научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

Д.Ш.Чуянов  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., доцент

З.Л.Батиров  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мире одно из ведущих мест занимает применение энерго-ресурсосберегающих и высокопроизводительных технологий и технических средств для противоэрозионной обработки и посева. «Если учесть, что на сегодняшний день в мире площадь полей, обрабатываемых перед посевом, составляет 1,6 млрд. гектаров»<sup>1</sup>, то требуется внедрение в практику энерго- и ресурсосберегающих машин для обработки почвы и посева за один проход с высоким качеством работы и производительностью. В этом аспекте особое значение имеет освоение производства машин, способных одновременно выполнять технологические процессы противоэрозионной обработки почвы на склоновых полях и посева, а также использование их при посеве зерновых культур.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических решений ресурсосберегающих технологий и технических средств для подготовки почвы к посеву семян. В частности, можно указать работы, направленные на создание, разработку машин для обработки почвы с одновременным посевом зерновых культур и их рабочих частей, обоснование технологических процессов и параметров. В связи с этим особое внимание уделяется разработке машины, осуществляющей одновременно обработку склоновых полей с образованием гребней на дне и поверхности обработанного поля, противодействующих водной эрозии и посева семян на трех уровнях, а также обоснование ее технологического процесса и параметров.

В сельскохозяйственном производстве республики проводятся широкомасштабные мероприятия по уменьшению затрат труда и энергии, сбережению ресурсов, возделыванию сельскохозяйственных культур на основе передовых технологий, разработке и применению высокопроизводительных сельскохозяйственных машин. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы намечены задачи, в частности, «... модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства, последовательное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности, расширение производства экологически чистой продукции, значительное увеличение экспортного потенциала аграрного сектора...»<sup>2</sup>. При выполнении этих задач, в том числе в процессе посева зерновых на склоновых полях, важным является создание технически и технологически модернизированных машин, осуществляющих качественную обработку почвы с заданной глубиной, формирование противоводноэрозионных гребней на дне и поверхности поля одновременно с посевом и гарантированную заделку семян на заданную глубину, а также

---

<sup>1</sup>[www.fao.org/docrep/018/i1688r/i1688r03.pdf](http://www.fao.org/docrep/018/i1688r/i1688r03.pdf)

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

обоснование ресурсосберегающих параметров рабочих органов с высокими качественными показателями.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан» и Постановлениях ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах дальнейшего развития научно-технической базы машиностроительной отрасли в сельском хозяйстве», №ПП-4410 от 31 июля 2019 года «О мерах по ускоренному развитию сельскохозяйственного машиностроения, государственной поддержке обеспечения аграрного сектора сельскохозяйственной техникой», №ПП-4709 от 11 мая 2020 года «О дополнительных мерах по специализации регионов республики на производстве сельскохозяйственной продукции», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

